

МАХСУС ТАКЛИФ: «PITA MIKS» УЧУН СЕРТИФИКАТ

2023 йил 20 февраль.

1. «PITA MIKS» учун сертификат» Махсус таклифи “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ – «A-Pay» Электрон пул Тизими Оператори томонидан Акция Ҳамкори – Shwaarm ҚК «SHWAARM» кафеси кўмагида ташкил этилади.
2. Махсус таклиф ўтказиладиган ҳудуд: Самарқанд шаҳри.
3. Амал қилиш муддати: 2023 йил «21» февралдан 2023 йил «23» февралгача». Сертификатлар сони чекланган.
4. Махсус таклифдан фақат «A-Pay» Электрон пул Тизимида идентификациядан ўтган мижозлар фойдаланиши мумкин.
5. Мижозларни Махсус таклиф ҳақида хабардор қилиш, тегишли маълумотларни Ташкилотчининг <https://www.a-pay.uz> веб-сайтида ва (ёки) «A-Pay» мобил иловасида жойлаштириш орқали амалга оширилади.
6. Махсус таклиф шартлари: идентификациядан ўтган мижоз A-Pay Пештахтасида 10 000 APS эвазига «PITA MIKS» учун Сертификат олиши мумкин. «PITA MIKS» учун сертификатни фаоллаштириш учун фойдаланувчи махсус таклиф давомида «PITA MIKS» кафеларидан бирида «Coca-cola» ичимлигини харид қилиши керак. «PITA MIKS» учун сертификат фақат Махсус таклиф муддати давомида Самарқанд шаҳрида жойлашган «SHWAARM» савдо тармоғининг қуйидаги манзилда жойлашган савдо нуқтасида фаоллаштирилиши мумкин:
 - Самарқанд шаҳри, Қошғарий кўчаси, 72Битта Мижоз Махсус таклифнинг амал қилиш муддати давомида «A-Pay» Пештахтасидан бир дона «PITA MIKS» сертификатини олиши мумкин. Махсус таклиф муддати тугагандан сўнг «SHWAARM» учун фаоллаштирилмаган сертификатлар ўз кучини йўқотади.
7. Ташкилотчига Мижозни Махсус таклиф иштирокчилари рўйхатидан четлаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фактлар ҳақида маълум бўлган тақдирда («APS Бонус» Бонус дастури Шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари, «A-Pay» Электрон пул Тизимида акциялар ўтказиш қоидаларини бузиш, фирибгарлик, фирромчилик, ўзи ҳақида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этиш ва ҳ.к.), бундай шахслар Махсус таклифдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.
8. Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра, бир томонлама тартибда, исталган вақтда олдиндан огоҳлантирмасдан ва сабабларини тушунтирмасдан, Махсус таклифни муддатидан олдин бекор қилиш ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек, ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсус таклифни муддатидан олдин бекор қилиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даъво учун асос бўла олмайди.



9. Махсус таклиф муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Ташкилотчи тегишли маълумотларни ўзининг <https://www.a-pau.uz> манзилидаги расмий веб-сайти ва (ёки) мобил иловасида жойлаштириш орқали оммани хабардор қилиш мажбуриятини олади.
10. Ташкилотчи «PITA MIKS» учун сертификат» Махсус таклифини нотўғри талқин қилиш натижасида келиб чиққан ҳар қандай англашилмовчилик, тушунмовчилик, даъво ёки зарар учун жавобгар бўлмайди.
11. Агар Махсус таклифга доир бирон-бир савол, тушунмовчилик ёки низоли ҳолатлар юзага келса, Мижоз Ташкилотчи билан боғланиш орқали уларга аниқлик киритиш ва ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши шарт.
12. Ташкилотчининг мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатадиган форс-мажор ҳолатлар, шу жумладан сув тошқини, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар, оммавий эпидемиялар, давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруқлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар ёки бошқа табиий омиллар юзага келган тақдирда Ташкилотчи Мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этилади.
13. «PITA MIKS» учун сертификат» учун Махсус таклифда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш факти Мижознинг ўз шахсий маълумотларини қайта ишланиши ва Ташкилотчидан электрон почта (шахсий кабинет, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) орқали реклама ва бошқа хабарларни қабул қилишга розилигини билдиради. Ҳар бир Мижоз ўзи билан туширилга фотосурати, видео ролик, Ташкилотчи ва унинг ўртасида бўлган интервьюни Ташкилотчининг веб-сайтида ва (ёки) мобил иловасида, реклама материалларида, ижтимоий тармоқ саҳифаларида ва ҳоказоларда жойлаштириш ва эълон қилишга розилигини беради. Ташкилотчи юқорида қайд этилган материаллардан чекланмаган муддат давомида фойдаланиши мумкин ва Мижоз бунинг учун ҳеч қандай ҳақ талаб қилмайди.

